



МЕХАНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

Мен раҳбарлик қилаётган сабзавотчилик звеноси комплекс механизацияланган. Звенода ўн икки киши хизмат қилади. Уларнинг ҳаммаси техникани яхши билган, қишлоқ хўжалик машиналарини моҳирлик билан бошқарадиганлардан. Шу туфайли ҳам кўчатларни экишдан тўғиб ҳосилни йиғиштириб олгунгача бўлган асосий ишларнинг ҳаммаси техника ёрдамида амалга оширилмоқда.

Звенонинг сабзавоткорлари беш йиллик план топириқла-

рини муддатидан олдин тўрт йилда муваффақиятли адо этдилар. Ҳар бир кишига ҳисоблаганда маҳсулот топириш кўпаймоқда. Ўтган йили ҳар бир киши ҳисобига ўртача қирқ тўрт тоннаданга маҳсулот тўғри келган эди. Бу йил эса 50 тоннаданга етди. Айниқса помидор, қарам ва бошқа экинлардан баракали хирмон кўтардик.

Биз эришилган ютуқларни мустақамлаб, 1975 йилнинг мўл ҳосилига пухта замин яратаямиз. Техника ремонтни бош-

лаб юборилди. Сабзавот қатор оралирида ишлайдиган янги тракторлар келтириб қўйилди. Маҳаллий ва маданий ўғитларни аралаштириб ерга сочадиган техника ҳам эндиликда далада ишлайпти. Биз барча имкониятлардан самарали фойдаланиб, аҳолига эртаги сабзавот етиштиришни яна ҳам кўпайтириб, янги беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдамиз.

П. ПРУДНИКОВ,
1-«Тошкент» совхозининг звено бошлиғи, район Советининг депутаты.

МУВАФФАҚИЯТИМИЗ КАЛИТИ

Дехқонларимиз бу йил ҳар йилгидан мўл сабзавот маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилган эдилар. Улар ўз сўзларининг устида чиқиш учун далада астойдил курашди. Сабзавот экинларини юқори агротехника қоидалари асосида парвариш қилиш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан унумли фойдаланиш, механизацияни яхши ишлатиш орқасида мўлжалдаги ҳосил етиштирилди. Ҳар йилгидан мўл ва сифатли маҳсулот топиришга эришдик.

Кейинги йилларда сабзавотчиликда қўлга киритилётган улкан муваффақиятлар дехқон-

чиликни комплекс механизациялаш, тузроқ унумдорлигини ошириш, ердан фойдаланиш туфайли десам адашмайман.

Айниқса, сабзавот экинларини озимлантиришда маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланиш. Ҳар гектар майдонга парвариш даврида 50 тоннагача маҳаллий ўғит солимоқда. Шу туфайли кўчатлар серхосил бўлиб ўсиш. Йил охирига келиб, ҳар гектар ердан 500 центнердан сабзавот, 170 центнердан картошка йиғиб олишга муяссар бўлдик.

Н. РАСУЛОВ,

«Ленин йўли» колхозининг бригада бошлиғи.



БЕШ ЙИЛЛИК МАРРАНИ ЭГАЛЛАДИК

«Партия XXI съезди» совхозининг сабзавоткорлари ва чорвадорлари партия ва ҳукуматимизнинг шаҳар аҳолисига мўл ва сифатли сабзавот ва чорва маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги қўрсатмаларини бажариб, тўққизинчи беш йиллик тўғричи йили топириқларини муддатидан илгари ошириб бажариш мақсадида қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг Бутуниттифоқ социалистик муносабатига қўшилиб, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Сабзавот етиштириш бўйича 20 сентябрдаёқ давлатга 5800 тонна маҳсулот топирилиб, халқ хўжалик плани ошириб бажарилди. Шундан кейин мажбурий ҳисобига маҳсулот топиришда бошланди. Зиммамизга олган мажбуриятимиз 6900 тонна ўрнига 7200 тонна сабзавот етказиб берилиб, юксак мажбурият ҳам анча ошириб адо этилди. Шунинг қувончлики, планда қўрсатилган сабзавот турлари бўйича барча планлар ошириб адо этилди.

Совхоз ишчилари кузги-қишги тадбирларини пухта ўтказишга киришди. Келгуси йил ҳосили учун кечки экинлар экиш плани ҳам ошириб бажарилди. Эртанги сабзавот экиш учун мўлжалланган майдонлар маҳаллий ва минерал ўғитлар солиниб, сифатли шугор қилиб қўйилди.

Совхоз йирик қорамолчилик фермасига эга. Шу қуларда чорвадорлар олдига муҳим вазифа — чорва қишлоқнинг уюшқонлиги билан ўтказиш вазифаси турибди. Биз Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» колхоз чорвадорларининг таъаббусига қўшилиб, қиш ойларида ҳам ситирлардан кўп сут соғиб олиш тадбирларини кўрмоқдамиз. Ҳозир чорвачилик фермаларида 2000 тонна ситос, 1800 тонна сенаж ва 400 тоннадан ортиқ беда пичани жамғариб қўйилган.

Совхоз сут соғувчилари бу йил айниқса катта ғайрат билан меҳнат қилдилар. 5 декабрда қадар мажбур ҳар бир ситирдан 3800 килограммдан сут соғиб олинди.

Шу қуларда совхоз теплицаларида ҳам иш йўғин давом этмоқда. Бу теплицаларда йил бўйи помидор, бодринг ва бошқа сабзавотлар етиштирилиб, шаҳар дўконларига жўнатиб турилади.

Биз асосий тармоқ ҳисобланган сабзавотчилик бўйича беш йиллик план топириқларини тўрт йилда бажарганимиз, деб шу йил бошида қарор қабул қилган эдик. Ҳозир шунинг қувонч билан таъминлаш мўжизаси, беш йиллик планда қўрсатилган 24700 тонна ўрнига ҳозирга қадар 25400 тонна сабзавот етиштирилиб беш йиллик план шу йилнинг ўзида шараф билан адо этилди.

«Партия XXI съезди» совхозининг сабзавоткорлари ва чорвадорлари эришилган ютуқларини янада мустақамлаб, келгуси йилда ҳам сабзавот ва чорва маҳсулотлари етиштиришда катта ютуқларга эришиш учун самарали меҳнат қилдилар.

Т. МЕЛИБОВЕВА,

«Партия XXI съезди» совхозининг директори.

ЯНАДА КЎПРОҚ ЕТИШТИРАЙЛИК



Суратда: «Қорасув» совхозда пленкалар тагида маҳсулот

етиштириш акс эттирилган.

А. Абалая фотоси.

МЕҲНАТДА ҲАРАКАТ, ХИРМОНДА БАРАКАТ

Республикамиз ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллик тўйини муносиб кўтиб олиш учун ҳаракат қилган сабзавоткор, соҳибкор ва чорвадорларимиз катта зафар қўчилишти. Давлатга маҳсулот со-

тиш плани октябр ойининг дастлабки кунларидеяк муваффақиятли бажарилди. Ўлғ Оқ-таборнинг 57 йиллик тўйи ара-тида яна бир талаба қўлга киритилди. 400 ўринга 675 тонна картошка топирилиб, план 141 процент адо этилди. 2656 тонна ўрнига 2803 тонна сабзавот топириб бу соҳада ҳам юксак марралар эгалланди.

Тўққизинчи беш йилнинг белгилувчи йилида сабзавоткорлар ҳормай-томай меҳнат қилдилар. Тоҳир Каримов раҳбарлик қилган бригада ишчилари картошка етиштиришнинг ортиги билан бажардилар. Улар 400 тоннага яқин сабзавот етиштириб, қарам, сабзи ва бошқа экинлардан ҳосил олишда ҳам пешқадамлик қилдилар. Тоҳир Гофуров, Мурод Илҳомов бошлиқ бригада дехқонлари агротехника тад-

бирларини ишлаб чиқаришга жорий этганликлари сабабли ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўтган йиллардагига нисбатан кўп бўлди.

Эндиликда келгуси йил ҳосилига тайёргарлик қўйилди. Парник хўжалиги тартибга солинди. Кўчат тайёрлаш ишларини кўчатириш юзасидан аниқ ишлар қилиб қўйилди.

Экинлардан бўшаган майдонлар «чугур шугор» қилинди. Шугорлардан олдин ҳар гектар ерга 600 килограмм миқ-дорда суперфосфат солинди. Бу албатта, етарли эмас. Дала-га қўллаб маҳаллий ўғит чиқарилади. Механизаторларимиз принципларда, тележакарда ўғит танишляпти.

Совхоз маъмурияти чорвачилигини ривожлантириш юзасидан ҳам зарур тадбирларни амалга оширипти. Айниқса бу йил гўшт етиштириш, сут соғиб олиш яхши ташкил этилди. Чорва молларини қишлоқдан семиз ва соғлом олиб чиқиш учун етарли миқдорда ем-хаш жамғариб қўйилди.

Ғ. ОДИЛОВ,
«Келес» совхозининг ди-ректору.

ЙИЛ БЎЙИ САБЗАВОТ ЕТИШТИРАМИЗ

Бизнинг бригадамизга 1,9 гектар теплица майдони бир-кирилган. Бир неча йил мобай-нида теплица хўжалигида иш-лаб келаётганим туфайли бу соҳа хўжаликка катта даромад беришга, шаҳар меҳнаткаш-ларини бутун йил бўйи янги, кўк сабзавот билан таъминлашда жуда муҳим тармоқ эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Бу йил биз теплица май-донларининг ҳар бир квадрат метридан 7 килограммдан по-мидор ва бодринг етиштириш-га эришдик. Ана шу 1,9 гектар теплица майдонидан 40 тонна маҳсулот олинди.

1975 йилда эса бригадамиз аъзолари ўз нимчаларига катта мажбурият олдилар. Ҳар квад-рат метр ердан 10 килограмм-дан маҳсулот етиштиришга қа-

дор қилинди. Бунинг учун ҳо-зирдаёқ пухта тайёргарлик қилимоқда.

Бригаданинг Ориф Убайдул-лаев бошлиқ звено аъзолари ҳар квадрат метр ердан 12 ки-лограммдан маҳсулот олишга аҳд қилдилар. Ёхши Умарова, Зокир Қодиров ва бошқа жоҳир сабзавоткорлар ўзларига бир-кирилган майдонлардан 11,5—12,5 килограммдан сабзавот

етиштириш учун курашмоқда-лар.

Биз шаҳар дўконларига йил бўйи помидор, бодринг, пиз-за ва резавор етиштириб бе-риш йўли билан улуғхалқ ишига ўз муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

М. УМАРОВ,
«Партия XX съезди» кол-хоз теплица хўжалиги-нинг бригада бошлиғи.

ШАҲАРЛИКЛАР МИННАТДОР

Дехқон меҳнати дастурхон-мизга тўғри-сочилиш, хонадо-нимизга барака киритиш. Биз йилнинг ҳамма фаслида, ҳар кун дехқон ва богдон, чорва-дорнинг меҳнати билан етишти-рилган маҳсулотни танаффул қиламиз. Ёз ва куз қунари дў-конлар, бозорлар пештахтаси яна ҳам ранг-баранг бўлиб ке-тади. Илманик, зарур бўлса, ҳаммаси муҳайе.

Районимиз сўнгги йилларда аҳолисини кўпайган, маданияти ўсган, гуллаб-яшнаётган район-лардан бирига айланди. Завод ва фабрикалар, муассаса ва корхоналар сон тобора кўпай-моқда. Демак, аҳоли сон ҳам ошиб бормоқда. Уларни қар-тошка, сабзавот, мева, узун ва чорвачилик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш кўши Калинин райони қишлоқ меҳнаткашлари зиммасида. Улар шу масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда бизга ҳамма

вақт қўллаб маҳсулот жўнат-моқдалар. Бизнинг комбинат ишчи-хизматчиларини шу рай-ондаги «Москва», «Партия XX съезди» колхозлари таъминлай-ди. Уларнинг хизматидан биз миннатдоримиз.

Мен шахримизнинг бошқа районларида ҳам бўлиб тура-ман, бозорларига бораман. Шу ерларда ҳам дехқончилик маҳ-сулотлари сероблигини кўриб, бу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган ва меҳнаткаш дастур-хонини мунаваар этаётган аза-мат кишиларга чин кўнгилдан раҳматлар айтиш келади. Мен бу сўзини шаҳардаги ҳар бир киши — ишчи ва хизмат-чи, олим ва мутахассис тақрор-лаш мумкин.

Раҳмат, сизга дехқон биро-дарлар!

А. РАСУЛОВ,
Чилонзор районидagi булка комбинати ишлаб чиқариш бўлимининг мудури.

Шаҳарликлар дастурхонини қаҳратон қиш қунарида ҳам ноз-неъматлар билан беэватган қўйлиқ теплица комбинати саб-завоткорлари зиммаларига улкан мажбурият олиб меҳнат қилмоқ-далар. Улар ҳар квадрат метрдан 14—15 килограммдан помидор топиришга аҳд қилишган. Суратда: комбинатнинг илгор сабзавот кори С. Сулаймонова.

Н. Тўраев фотоси.



ҚИШДА ЁЗ НЕЪМАТИ

Йилни муваффақиятли якун-лабган комбинатимиз коллек-тивни планда белгиланган 1085 тонна ўрнига 1300 тоннадан ортиқ сабзавот етиштириб, йил-лик план ошириб бажарилди. 1 январгача яна 200 тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари топириш ниятидамиз.

Комбинатимизда сабзавот асосан қиш ва баҳор ойларида етиштирилади. Шаҳар меҳнат-кашларини қиш бўйи помидор, бодринг ва бошқа кўчатлар билан таъминлаш соҳасида қа-тор тадбирлар амалга оширил-моқда. 1973—1974 йил қиш ойларида сабзавотдан мўл ҳо-сил етиштириш учун барча им-коният, ишга солинди. Натижа-да ҳар квадрат метрдан 13 ки-лограммдан ошириб ноз-неъмат олинди.

Ҳосилдорлигини ошириш учун аввало экин навларига катта эътибор берилаётир. Барча майдонларга юқори ҳосилли нав уруғи экинмоқда. Кўчат тайёрлаш ва тузроқ унумдор-лигини оширишга ҳам янги дий-эътибор берилаётир. Буяда

Комбинатимизда ҳосилдор-лигини 18—20 килограммга ет-казаетган сабзавот усталари кўп. Меҳнат Қизил Байроқ ор-дени навалери Зиёда Мирзо-лидова ҳозиргача ҳар квадрат метрдан 20 килограммдан оши-риб ҳосил йиғиб олди. У йил охиригача ҳосилдорлигини 24—25 килограммга етказишга аҳд қилган. Маърифат Тўхтаза-рова, Муқаддас Саидрасулова наби сабзавоткорлар ҳам мўл ҳосил етиштириб, кўччилик ҳурматиға сазовор бўлмоқда.

Ҳосилдорлигини ошириш учун аввало экин навларига катта эътибор берилаётир. Барча майдонларга юқори ҳосилли нав уруғи экинмоқда. Кўчат тайёрлаш ва тузроқ унумдор-лигини оширишга ҳам янги дий-эътибор берилаётир. Буяда

асосан маҳаллий ўғитдан унум-ли фойдаланилмоқдамиз. Шунинг учун ҳам мўл ҳосил олиш бил-ан бирга маҳсулот сифати ахшилланиб бормоқда.

Уч ярм гектардан ортиқ майдонда гидропоника усулида маҳсулот етиштирилмоқда. Буяда меҳнат сарфи оддий усулдагига қараганда 70 про-цент кам бўлмоқда. Маҳсулот нархи эса анча арзонлашмоқда. Ҳосилдорлик эса 23—25 ки-лограммданга тўғри келмоқда. Кейинги йилларда ҳам ана шу усулда сабзавот етиштиришни кўпайтириш йўзда тутилмоқда.

Шунингдек, бу йил шаҳар меҳнаткашларига қўллаб қиём етказиб берилади. Январ ойи-гача 30 мингдан ортиқ лимон топиради.

С. ЧУТБОВЕВ,
Қўйлиқ теплица комбинати-нинг директори.

